

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА ҚЎШИМЧА ИМКОНиятлар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни саноат тармоқларидаги 9 ойлик натижалар ва йил якунигача бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Пандемия оқибатлари саноат ишлаб чиқариш сураятларига ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Шу боис давлатимиз томонидан ҳар бир тармоқни қўллаб-қувватлаш бўйича тезкор чоралар кўрилди. Карантин даврида ҳам ишлаб чиқариш давом этди. Буларнинг натижасида саноатда юзга келиши мумкин бўлган жиддий йўқотишларнинг олди олинди.

Этиборлиси, иқтисодиётда юқори қўшилган қийматни таъминловчи қайта ишлаш саноатида 9 ойда қарийб 3 фоиз ўсish қайд этилди. Хусусан, электр техникаси ишлаб чиқариш 25 фоиз, тўқимачилик маҳсулотлари 12 фоиз, металл рудалари қазish 7 фоиз ва қурилиш материаллари 6 фоизга ўсди.

Шунингдек, автомобиллар 1,5 баравар, электр техникаси маҳсулотлари 1,3 баробар, тўқимачилик товарлари 16 фоиз, мис сим 15 фоиз кўп экспорт қилинди.

Натижада ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш сураяти ва 0,4 фоиз ижобий даражада сақлаб қолинди ва буюддек даромади 1,9 триллион сўм ортиси билан бажарилишига эришилди.

Шу билан бир қаторда, айрим тармоқ ва ҳудудларда ишлаб чиқаришда қолоқликка йўл қўйилгани оқибатида саноат маҳсулотлари бўйича умумий кўрсаткич 2,7 фоизга камайган.

Йиғилишда бунга сабаб бўлган омиллар танқидий таҳлил қилиниб, йил якунигача ишлаб чиқариш ҳажмларини таъминлаш чора-тадбирлари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, саноат тармоқлари ва ҳудудларда яна қандай заҳиралар борлиги, уларни ишга солиш учун нималар қилиш кераклиги батафсил муҳокама қилинди. Пировард мақсад — экспорт, даромад, манфаат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ Қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тайёр маҳсулот етказиб берувчиларни қўшимча молиявий ва ташкилий рағбатлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январга қадар **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** экспорт қилувчиларга, шу жумладан, асосий фаолият тури савдо-воситачилик бўлган экспорт қилувчиларга:

а) экспортолди молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган **кредит фоиз ставкasi** ва **миқдоридан қатъи назар:**

миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз харажатларининг **50 фоизигача**, бироқ **10 фоиз** банддан кўп бўлмаган миқдорда;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2020 йил 21 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ушбу ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда "Узрпорт" телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Сенат аъзолари томонидан 17 та масала, шу жумладан, 4 та қонун муҳокама қилинди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Конституцион нормага биноан Қорақалпоғистон Республикаси вакили Сенат Раиси ўринбосарларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан сенатор Мурат Қаллибекович Камаловни Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сайлаш тўғрисида тақдимнома киритилган.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Мурат Камалов 1955 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Олий маълумотга эга ҳуқуқшунос сифатида кўп йиллар масъулиятли лавозимларда фаолият юритган.

Жорий йил сентябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутаты этиб, 2 октябрь куни Жўқорғи Кенгесининг давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида Жўқорғи Кенгес Раиси этиб сайланган.

Мажлисда сенаторлар томонидан М. Камалов номзоди бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонун талабларига мувофиқ яширин овоз бериш йўли билан сенатор Мурат Қаллибекович Камалов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари этиб сайланди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалаларига оид фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

(Давоми 2, 3-бетларда).

— **Саноат корхоналари бошқарув тизимида муаммолар бор. Маҳсулотлар таннархини тушириш керак. Бу рақобат муҳитини яратишнинг муҳим асосидир, — дея таъкидлади Президент.**

Аввал нефть-газ тармоғидаги ишлар таҳлил қилинди. Қолоқликка йўл қўйган корхоналар фаолияти танқидий баҳоланиб, раҳбарларнинг лавозимларига лойиқлик масаласи кўриб чиқилди.

Йил якуни билан табиий газ қазиб олишни кўпайтириш, ички бозорга қўшимча газ етказиб бериш бўйича топширилган берилди. Шунингдек, 740 минг тонна нефть ва конденсат қазиб чиқилди, 203 минг тонна суёлтирилган газ ва 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

"Ўзимёсанот" корхоналарида ҳали резервлар мавжудлиги, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, экспортга йўналтириш зарурлиги таъкидланди. Қўқон суперфосфат заводининг биринчи босқичини модернизация қилиш, "Навоийазот" акциядорлик жамиятида аммиак ва карбамид комплексини ишга тушириш чоралари белгиланди.

"Ўзавтосаноат" бошқарувиغا ўтган қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги тармоғида трактор ва севялқалар ишлаб чиқариш 2 баробар камайгани кўрсатиб ўтилди. Тўртинчи чоракда автомобиллар ишлаб чиқаришни 62 мингга етказиб, 165 миллион долларлик экспорт қилиш, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни хорижий бозорларга сотишни йўлга қўйиш зарурлиги айtilди.

ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда мустаҳкам таянчдир

"Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир".

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг *Ўзбек тили байрами* куни муносабати билан *халқимизга йўллаган табригиди* таъкидланган ушбу фикрлар пойтахтимиздаги Адиблар хиббониди ўтказилган байрам тадбирида яққол намоён бўлди.

Қўёшнинг заррин ёғдулари олтин кўзнинг илиқ ва мусаффо ҳавосида янада жилоланиб, эрта тонган сўз мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига йиғилган тадбир иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Репортаж



Ўзбек тили ва адабиёти даргаларининг мухташам ёдгорликлари жой олган сўлим хиббон байрамона шуқуҳга чўмган. Майин шаббода, анвойи гуллар таровати дилларни сурурга тўлдирди. Ораста йўлақларда ташкил этилган китоблар кўргазмаси кишиларни илм-маърифатга, китобхонликка қорлаб турибди. Улкан мониторларда миллий тил ҳамда адабиётимиз фидойиларининг Ватанга меҳр муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларимизга садоқат, жумладан, она тилимизни асраб-авайлаш, софлигини сақлаш ҳамда келгуси авлодларга безавол етказишга

ундовчи дилбар шеърлари, сермазмун фикр-мулоҳазалари янграйди.

Сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, адабиёт, фан, маданият, спорт ҳамда санъат намояндalари, тилшунос олимлар, талаба-ёшлар — кўркam хиббонга таширф буюрган барча инсонларнинг юз-кўзида миллий гурур, қувонч ва эртанги кунга ишонч туйғулари балқийди.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, она тилимизга эътибор, бу — халқимизга, унинг қадр-қиммати, орзу ва умидларига эътибор ифодасидир.

Тадбир аввалида иштирокчилар буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Ўзбекистон Республикаси



Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами куни муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини Президентимиз маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз. Чунки неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаятган она тилимизнинг раванки ва истиқболи ҳақида қайғуриш, бу, миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демакдир.

➡ 4

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИГА ОИД ҲУЖЖАТ ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида бир қанча қонун лойиҳалари қўйилган палата мажлиси кун тарихига киритишга тайёрланмоқда. Хусусан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг видеоконференция тарзида ўтказган йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган янги таҳрирдаги "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Муҳокамаларга Ҳукумат вакиллари, Молия вазирлиги хузуридаги Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги раҳбари, соҳанинг эксперт ва мутахассислари жалб қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси сугур-

чилари фаолиятини жонлантириш, шунингдек, сугурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш, соҳа хизматлари истеъмолчилари ҳамда сугурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг сугурта саводхонлигини ошириш ва уларнинг сугуртага бўлган ишончини мустаҳкамлаш, сугурта бозорининг очикилиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш каби масалалар қамраб олинган.

➡ 4

ИФТИХОР

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ТИЛ ВА МИЛЛАТ МАҚОМИ



Бу дунёда миллат бўлса — давлат яшар,
Давлат бўлса — бу дунёда миллат яшар.
Кўнглим аро уч минг йиллик авжларинг бор,
Давлатинг бор — миллатинг бор агар билсанг,
Миллатинг бор — давлатинг бор асрай билсанг.
Ёфас боболардан ёдор хилқатимсан,
Она тилим, миллатимсан, давлатимсан.

Тошбитиклар пойин ўнган Энасойлар,
Соёларингда қокил ювган Момо ойлар.
Кўнглим аро уч минг йиллик авжларинг бор,
Уч минг йиллик жавлонларинг, мавжларинг бор.
Уч минг йиллик қоялардай қудратимсан,
Миллатимсан, она тилим, давлатимсан.

Оқ фотиҳа сўраб бордим қошларига,
Оқ тоғларим ўхшар бобом Қошарига.
Ким дунёга келиб фақат дунё бузган,
Боболарим менинг сўздан дунё тузган.
Дунёларга далолатим, тилхатимсан,
Она тилим, тоғжу тахтим, давлатимсан.

Ҳеч бир авлод ўзи шундай бино бўлмас,
Ўз-ўзидан Беруний ё Сино бўлмас.
Ер юзига ҳикмат эҳдинг аробийда,
Қанча илму урфон бордир Форобийда.
Ҳаюлатга қарши мангу давлатимсан,
Миллатимсан, она тилим, давлатимсан.

Сўз мулкида султонлиқни бола шерга —
Лутфий бўлиб лутф этган зот Алишерга.
Самарқандсан — буюқларга бешик бўлган,
Маънавият дунёсига эшик бўлган.
Олам аҳли аро ҳамон ҳайратимсан,
Она тилим, миллатимсан, давлатимсан.

Бобур Мирзо соғинган ул қовунлардай,
Қолиб кетдинг не-не дөвл қулонларда.
"Бобурнома" не жаборноманг бўлди сенинг,
Ҳар номанг бир сабрноманг бўлди сенинг.
Авлодларга мангу мерос дастхатимсан,
Миллатимсан, она тилим, давлатимсан.

Ёддан чиқмас Қодирий ҳам Чўлпонларинг,
Жонлар бериб тўлаб кетган ўлпонларинг.
Адабиёт яшаса гар — миллат яшар,
Миллат яшар — адабиёт яшаса гар.
Авлонийсан, Бҳбудиъсан, Фитратимсан,
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан.

Янги даври давронимсан десам ҳақдир,
Бир юз ўттиз тўрт миллатга ўзинг тақдир.
Янграб кетди томирларим, жону дилим,
Олам узра янграганда она тилим.
Миллатларни бирлаштирган миллатимсан,
Давлатимсан, она тилим, давлатимсан.

Ҳар қизинг, ҳар болангни мен болам дедим,
Болам дедим, бағримдаги лолам дедим.
Ай боламай, қандо асал тилларингдан,
Тилларингдан айланайин, тилларингдан!
Бу дунёда қолар меҳру шафқатимсан,
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан.

Давру замон шиддатлидир — ортга қайтмас,
Инсон умри меҳнатлидир — сайру шайтмас.
Ватан Ватан бўлайми биз жон чекмасак,
Жондан кечиб, заҳматин ҳар он чекмасак.
Янги азму шижоатим, шиддатимсан,
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан.

Тасанно деб ёзган эдим, яна ёзай,
Ёниб ёзай, кеча-кундуз ёниб ёзай:
Шавақтли эл бу дунёда давлатлидир,
Давлатли эл олам аро шавақтлидир.
Олам узра юксак шаъну шавақтимсан,
Давлатимсан, она тилим, давлатимсан.

Кўмита эшитуви

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МУНОЗАРАЛИ САВОЛЛАР

Марказий Осиё минтақасини глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлаш бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда? Истиқболдаги долзарб вазифалар нималардан иборат?

Транспорт вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Маҳаммовнинг бу ҳақдаги ахбороти Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ҳамда парламент қўйилган палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда эшитилди.

Кайд этилганидек, бугунги кунда минтақада айнан транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантириш асосий ҳамда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Минтақа давлатлари иқтисодиётининг жадал сураятларда ўсиши, давлатлар ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ортиши, экспорт ва импорт юкларининг мақбул нархларда ташилишига эришиш айнан ушбу йўналишдаги алоқаларнинг ривожига ҳамда ҳамкорликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Шунингдек, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ҳам тегишли топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) Кенгашлариға ҳар чоракда тегиш-инча ички ишлар ва прокуратура орган-лари раҳбарларининг ўз фаолиятлари тўғрисидаги ахборотларини эшитишда ҳуқуқни муҳофаз қилиш органлари томо-нидан содир этилган қийноққа солиш ва бошқа шайқатсиз жазо турларини қўлла-наллик ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиш ва муҳокама қилиб бориш тавсия этилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Маж-лиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра йўл ҳаракати хавфсизлигини таъ-минлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатлари-нинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ўзбе-кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-га юборилган парламент сўрови нати-жалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Бош вазир томо-нидан 2020 йил 25 августда тақдим этилган жавобга қўра, парламент сўровида кўта-рилган масалалар мутасадди вазирлик ва идоралар билан бирга атрофлича ўргани-либ, Вазирлар Маҳкамасининг Раёсатида қўриб чиқилган.

Парламент сўровида кўтарилган бир қатор масалалар бўйича Вазирлар Маҳма-си томонидан амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинган. Унда, жумладан, қоидабузарликларни автоматик аниқлайди-ган фото ва видеомасъаламалар, шунинг-дек, онлайн режимида ишловчи қўшимча фоторадарлар ўрнатиш белгиланган.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирли-гининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъ-минлаш бўйича кенг қўлғили ва асосий вазифаларини амалга оширувчи Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлими ва бўлинмалари штат бирикма-рининг етишмаслигини бартараф этиш бўйича тадбирлар ўтказилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, умумтаълим мактаб-ларида йўл ҳаракати қоидалари ва ҳара-кат хавфсизлиги асосларини ўргатиш, халқ таълими ҳодимларининг ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бўйича ма-лакасини ошириш ҳам режалаштирилган.

Мажлиса сенаторлар томонидан пар-ламент сўровида кўтарилган баъзи маса-лаларнинг ечимига эътибор қаратилмагана-ни таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Транс-порт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўл-лари қўмитаси томонидан 2019 йил-да тасдиқланган йўл ҳаракати хавфсизли-ги стандартлари юзаси ишлаб чиқилган.

Ушбу стандартлардаги йўл белгилари-нинг тартиб рақамлари ҳам тўри белги-ланмаганлиги, бу эса йўл ҳаракатининг асосий ва устувор қоидаларидан ҳисобла-ниши таъкидлаб ўтилди.

Яъни мазкур стандартлар бошқа дав-латларнинг стандартларидан тўғридан-тўғри қўчириб олинган. Оқибатда бошқа давлат-ларнинг амалдаги йўл ҳаракати қоидала-ридаги мавжуд йўл белгилари ушбу стан-дартларнинг иловаларига ҳам киритилган. Вахоланки, мазкур йўл белгилари Ўзбе-кистон Республикаси йўл ҳаракати қоида-ларида мавжуд эмас.

Шунингдек, Давлат йўл ҳаракати хавф-сизлиги ҳодимлари томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат иш-тирокчилирга қўлайлиқлар яратиш юзаси-дан маҳаллий ҳокимликлар ҳамда тегишли ташкилот ва идораларга 2017 — 2020 йил-лар давомида жами 6 709 та тақдимнома киритилган бўлса-да, уларнинг 3 173 таси ёки 45 фоизи белгиланган муддатларда қўриб чиқилмаган.

Бундан ташқари, мутахассислар томо-нидан йўл-транспорт ҳодисаларининг кели-либ чиқишига сабаб бўлаётган автомо-бил йўлларини зарур даражада таъмир-лашга эътибор қаратилмагани оқибатида 2019 йилда ва 2020 йилнинг 8 ойи даво-мида 532 та йўл-транспорт ҳодисаси со-дир этилиб, уларда 511 нафар фуқаро жа-роҳатланган ва 191 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Бу каби камчиликлар Давлат йўл ҳара-кати хавфсизлиги ҳодимлари томонидан киритилаётган тақдимномалар ижросини таъминламатган мутасаддиларга нисбатан таъсирчан чоралар қўриши тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан Сенат аъзолари аниқлан-ган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Бунда:

— Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўл-лари қўмитаси томонидан 2019 йилда тас-диқланган йўл ҳаракати хавфсизлигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандар-тлари 2021 йил 15 январга қадар тақо-миллаштириш;

— автомобиль йўлларининг носозлиги оқибатида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича бир ой муддатда аниқ чора-тадбирлар дасту-рини ишлаб чиқиш;

— Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳодимлари томонидан мутасадди идоралар раҳбарларига киритилаётган тақдимномалар ижросини таъминлашда сўтқашликка йўл қўйган мутасадди ҳоди-ларнинг масъулиятини ошириш юзасидан зарур чораларни қўриш;

— Ўзбекистон Республикаси Бош вази-ри томонидан тасдиқланган чора-тадбир-лар дастурида белгиланган вазифалар иж-росининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан мута-садди идоралар раҳбарларига киритилаёт-ган тақдимномалар ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича тақдим этилган маълумотларни қўмитада таҳлил қилиб, чора-тадбирлар дастури ҳамда кирити-лаётган тақдимномалар ижросини ўз вақтида баҳармаган мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларини Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари

қўмитаси мажлисига таклиф қилиб, муҳокама қилиб бориш белгиланди.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг тиббий-мехнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва уларнинг ногиронлигини аниқлаш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборил-ган парламент сўрови натижалари муҳока-ма қилинди.

Мажлиса Вазирлар Маҳкамаси томо-нидан парламент сўрови натижалари юзасидан тақдим этилган ахборотда парламент сўровида қўйилган вазифалар ижроси етарлича акс эттирилмаганлиги таъкидланди.

Хусусан, тиббий-мехнат эксперт комис-сиялари томонидан фуқароларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва уларнинг ногиронли-гини аниқлаш масалалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича тартибга со-линмаган, ногиронлик профилатикаси, но-гиронлиги бўлган шахсларни тиббий-иж-тимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш борасида яқин, ўрта ёки узоқ муд-датли стратегия қабул қилинмаган.

Шу билан бирга, ногиронлиқни аниқ-лаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлланалаётган мезонлар кирқ йил аввал ишлаб чиқилган услубиётга асосланган бўлиб, янги тартиб ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Тиббий-мехнат эксперт комиссиялари-нинг ногиронлиги борларга хизмат қўрастиш юкламаси белгиланмаган, 18 ёшгача бўлган болаларда ва ундан ката-да ёшдаги шахсларда ногиронликка олиб келувчи асосий касалликлар рўйхати ва ушбу касалликларда ногиронлиқни белги-лаш мезонлари, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий усулларини жорий этган ҳолда тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Яна бир жиҳат. Соғлиқни сақлаш вази-рлиги томонидан Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2017 йил 1 декабр-даги “Ногиронлиги бўлган шахсларни дав-лат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими-ни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги Фармони билан тас-диқланган комплекс чора-тадбирлар дасту-рида ногиронлиқни аниқлаш билан боғ-лиқ қатор вазифалар баҳариланмапти.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирли-ги тизимининг тиббий-мехнат комиссияла-ри ва тиббий-мехнат эксперт комиссия-лари фаолияти танқидий қайта қўриб чи-қилмаган, ногиронлиқни белгилаш меха-низмлари ва унинг муддатлари, шу жум-ладан, ҳужжатларни расмийлаштириш тар-тиби тақомиллаштирилмаган. Ногиронли-қни белгилаш тизимига белгилари аққол қўрииб турган мурожаат қилувчини ноги-ронлик белгиланганга қадар қўллаб-қув-ватлаш механизми жорий қилинмаган, ай-рим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахс-лар учун тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мумкин ногиронлик тоифала-ри учун стационар даволалинида мажбурий бўлиш тартиби бекор қилинмаган, ёрдам-

га жуда муҳтож бўлган шахслар учун сирт-дан ногиронлик тоифаси белгилаш ҳануз-гача жорий этилмаган.

Ушбу вазифаларни бажариш бўйича аниқ асос ва муддатлар белгилаб қўйил-ганлигига қарамай, ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлигини белгилашда, тиб-бий-ижтимоий хизматлардан фойдаланиш-да қўллаб оворагарчиликка дуч келишига сабаб бўлмоқда.

Мажлиса парламент сўровида келти-рилган масалалар юзасидан етарли дара-жада амалий чоралар қўрилмаганлиги, те-гишли ишлар субъектив сабабларга қўра амалга оширилмаганлиги таъкидланди.

Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровида белгиланган вазифа-лар ижросини тўлиқ таъминлаш ҳамда бу ҳақда келгусида аниқ маълумотлар тақдим этиш вазифаси юкланди ҳамда унинг иж-роси Сенатнинг доимий назоратида қол-дирилиши белгиланди.

Мазкур масала юзасидан Олий Маж-лиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин Жизжаз вилояти ҳокими-нинг ҳудудларни ривожлантириш ҳақидаги хисоботи эшитилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи томонидан вилоятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни комплекс равишда ўрганиш якуналари ҳам батафсил муҳокама этилди.

Вилоятни ривожлантириш ва бу жара-ёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-лари салоҳиятидан фойдаланиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Хусусан, вилоятда 2020 йилнинг январь — июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажми 6 триллион 989 миллиард сўмини, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 102,0 фоизни ташкил этган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2019 йил 23 декабрдаги қарорига асосан 2020 йил учун маҳаллий бюджет даромад-лар режаси 1 триллион 51 миллиард сўм этиб белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 ярим йиллиги учун белгиланган режа 125 фоизга (436,7 миллиард сўмга) баҳарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентин-нинг 2019 йил 30-31 январь кунлари Жизжаз вилоятига ташрифи бўйича тасдиқланган дастур доирасида умумий қиймати 3,0 триллион сўм бўлган 510 та лойиҳа ишга туширилган ва 8 минг 342 та янги иш ўрни яратилган.

2020 йил январь — июнь ойларида 42 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доира-сида 235,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз қўрастиқни 2,1 баробар баҳарилган ва 2 мингта янги иш ўрни яратилган.

Жорий йилда экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида 5 та давлат, Австрия, Вьетнам, Молдова, Мўғулистон, Нидерландияга маҳсулотлар илк маротаба экспорт қилинган.

Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсиз-лигини таъминлаш бўйича вилоятда 2019 йилда жами 898,8 минг тоннага яқин

мева-сабзавот, полиз, картошка, узум маҳсулотлари етиштирилган бўлса, жорий йилда бу қўрастиқни 1 миллион 114,9 минг тоннадан ошириш ёки ўтган йилдагига нисбатан 216,2 минг тонна (124 фоиз) қўп маҳсулот етиштириш қўтилмоқда.

2020 йилнинг ўтган даври мобайнида Инвестиция дастури бўйича 137,1 милли-ард сўм бюджет маблағлари ҳисобига 63,4 километр ичимлик суви тармоғи, 22 та сув қудуғи ҳамда 17,2 километр оқова сув тармоғи қурилиши режалашти-рилган бўлиб, ҳозиргача 124,6 миллиард сўмлик ишлар бажарилган.

Яна бир жиҳат. Беш муҳим ташаббусни амалиётга жорий этиш доирасида вилоят-да қатор амалий ишлар қилинган. Жумла-дан, тасдиқланган чора-тадбирлар дасту-ри доирасида жами 1,5 мингта яқин тад-бирлар ўтказилиб, уларда 736 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинган.

Мирзачўл туманидаги “Ўзбек — қозоқ”, Фаллозор туманидаги “Қўйтош”, Дўстлик туманидаги “Бунёдор” маданият марказ-ларда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, тантанали равишда фойдаланишга топширилган.

Жизжаз шаҳрида бир вақтнинг ўзида 10 минг нафардан ортиқ ёшларни сиғдира оладиган “Ўрда” экологик боғи қайта ре-конструкция қилинган, эски Сангзор қўли ўрнида Марказий Осиёда ягона бўлган велотрек майдонини барпо этиш ва жорий йилнинг якунига қадар ёшлар учун фойда-ланлига топшириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, йиғилиш давомида Олий Мажлис Сенати, Касаба уюшмалари Фе-дерацияси ва Жизжаз вилояти ҳокимлиги томонидан ҳудуддаги хотин-қизларнинг му-аммоларини ҳал этиш ва уларни ҳар то-монлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича қабул қилин-ган дастурлар (“Йўл ҳаритаси”) ижроси юзасидан ҳам ахборот берилди.

Ушбу дастурлар доирасида Касаба уюш-малари Федерацияси маблаглари ҳисоби-дан 636 нафар хотин-қизга 1 миллиард 169,9 миллион сўм микдорда моддий ёрдам берилган.

Бахмал, Фаллозор, Янгиобод, Арнасой, Дўстлик, Зафаробод, Зарбдор, Зомин, Фориш туманлари ва Жизжаз шаҳрида 198 нафар аёлга уй-жойларини таъмир-лаш учун 1 миллиард 160,3 миллион сўмлик қурилиш материаллари тарқатилган.

Вилоятдаги хотин-қизларнинг бандлиги-ни таъминлаш учун 120 миллион сўмлик маиший техникалар олиб берилган.

Ҳудудда хотин-қизларнинг оилавий ша-роити, ижтимоий аҳоли, имконияти, қизи-қишларини ўрганиш ва “Аёллар дафтери” ни шакллантириш ишлари бошланиб, унга бугунги кунгача 5 минг 696 нафар аёл киритилган.

“Аёллар дафтери”га киритилган хотин-қизларнинг 883 нафари ишга жойлашти-рилган, 80 нафарига тижорат банклари то-монидан 1,8 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилган, 741 нафари касб-ҳунарга ўқитилган.

Бундан ташқари, мажлисда вилоятни ривожлантириш борасида ўз ечимини кутиб турган айрим муаммо ва камчилик-лар борлиги ҳам қайд этилди.

Жумладан, оқова тизим бўйича вилоят-нинг Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл ва Зарбдор туманлари марказларида канали-зация тизимлари 1970 — 1980 йилларда қурилган бўлиб, мавжуд иншоотлар ва тармоқлар ўз муддатини ўтаб бўлган ва таъмирталаб аҳолга келиб қолган.

Жизжаз шаҳри ва Шароф Рашидов ту-мани “Тошкент-6” газ тақсимлаш станция-си орқали табиий газ билан таъминлана-ди, мазкур ҳудудларда аҳоли сони йилдан-йилга қўпаяётганлиги ва уларнинг газга бўлган эҳтиёжи ортиши натижасида қиш мавсумида табиий газ таъминотида муаммолар кузатилаётган.

“Қўп квартираларни қўриқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Жизжаз шаҳрида апробация қилиш жараёнида қатор муаммолар аниқланган. Масалан, шаҳар-даги мавжуд 52 та ширкатдан 13 тасининг молиявий ҳолати қўриқарили бўлса, 21 таси қўриқарсиз, 18 таси молиявий ночор ёки ўта боқиманда ҳолатга тушиб қолган.

Ҳозирги кунда Зомин миллий табиат боғи, Зомин давлат қўриқхонаси, Зомин давлат ўрмон ҳўжалиги ҳудудларидаги 3800 — 4300 гектар майдонга эга арча-зорлар табиий зараркунанда ва касаллик-ларга қалинган.

Янгиобод тумани маданият бўлими жой-лашган бино ташландиқ аҳволда. 2019 йил Инвестиция дастурига киритилган Бахмал тумани маданият маркази биносида қури-лиш ишлари якунига етмасдан тўхтаб қолган.

Мажлиса вилоятни ўрганиши якунари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги сессиясида танқидий муҳокама этилганлиги, унда вилоят даражасидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича 75 банддан иборат “Йўл ҳаритаси” тасдиқланганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, қайд этилган камчи-ликларни бартараф қилиш бўйича кечикти-риб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўриш зарурлиги таъкидланди. Бу борада мута-садди вазирлик ва идоралар раҳбарлари-нинг ахборотлари тингланган ва муҳокама этилди.

Вилоятда ўз ечимини кутиб турган рес-публика даражасидаги муаммоларни бар-тараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди ва уларнинг ижроси юзасидан се-наторлик назоратини йўлга қўйиш белги-ланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг “Ер ҳисоби ва дав-лат кадастрларини юритиш тизимини туб-дан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тасдиқланди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кен-гашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Уларнинг айримлари хусусида сенаторлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тиббий-ижтимоий экспертиза қирқ йил аввалги мезонлар асосида ўтказилмоқда

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:



— Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати-нинг иккинчи ялпи маж-лисида тиббий-мехнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий қўриқдан ўтқа-зиш ва уларнинг ноги-ронлигини аниқлаш ма-салалари юзасидан Ва-зирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган. Сенатнинг саккизинчи ялпи мажлисида мазкур парламент сўрови натижа-лари муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент сўрови юзасидан тақдим қилинган ахборотда сўровда қўйилган вазифалар ижроси етарлича акс эттирилмагани ойдинлашди.

Хусусан, тиббий-мехнат эксперт комисси-ялари томонидан фуқароларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва уларнинг ногиронлигини аниқлаш масалалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича тартибга солинмаган, ногиронлик про-филатикаси, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий ҳамда касб бўйича реабилитация қилиш борасида яқин, ўрта ёки узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилмаган. Ёмони, ногиронлиқни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлланалаётган амалда-ги мезонлар қирқ йил аввалги қўлланмаларга асосланган бўлиб, ҳалигача янги тартиб мав-жуд эмас.

Соҳада Президентимизнинг 2017 йил 1 де-кабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни дав-лат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини туб-дан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги Фармони ижроси тўлиқ баҳарилмаёт-ганлигини ҳам айтиш зарур.

Шулардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкам-сига парламент сўровида белгиланган вази-фалар ижросини тўлиқ таъминлаш ва бу ҳақда келгусида аниқ маълумотлар тақдим этиш ва-зифаси юкланди.

Эпидемия шароитида маъмурий жазо қўллаш ваколатига қимлар эга бўлади?

Шўхрат ЧЎЛЛЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Коронавирус пандемияси нафақат мам-лакатимиз, балки бутун дунё ахли учун жиддий хатарга айланиб улгурди. Шу боис бошқа дав-латларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам бу хатарни тезроқ бартараф этиш учун барча



зарур чоралар қўрил-моқда. Бирок бу ин-фекция билан зарар-ланганлар сони кун-дан-кунга ошиб бо-раётгани ҳар бири-минчи ташвишга со-лиши табиий. Бу биз, парламент вакилла-ридан бу борадаги қонун-чиликни тақомил-лаштиришни талаб этиши ҳам тушунарлидир.

Шу ҳаётий зарурат тўғрисида ишлаб чиқилган “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи ялпи мажлисида муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжат билан киритилаётган ўзгартиш-ларга асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексда назарда тутилган эпидемиялар-га қарши кураш қоидаларини буюш ҳуқуқбу-зарлиги учун маъмурий жазо қўллаш ваколати-ни Санитария-эпидемиологик оқоишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан бир қаторда ички ишлар органларига ҳам бериш назарда тутилган. Айни чоғда эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузган ҳолда ҳаракатла-наётган транспорт воситаларини ушлаб туриш тартиби жорий қилинмоқда. Қолаверса, транс-порт воситалари ҳайдовчилари масъулиятини ошириш, санитария-эпидемиологик назорати марказларининг иш юкламасини енгиллашти-риш назарда тутилаётганини ҳам айтиш зарур.

Одамлар жамоат жойларида ўзини хавфсиз ҳис этиши керак

Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Инсон учун тинч-лик-хотиржамлик ҳамда саломатликдан улуг неъмат йўқ. Буни, ай-ниқса, ҳаёқнинг айрим минтақаларида бўлаёт-ган нотинчликларни кўрганда аянам теран ҳис этамиз. Ўтган даврда мамлакатимиз-да тинчлик ва оқоиш-таликни таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмлари жорий қилинди ва алоҳида шахсий хавфсизлик ҳис-си-ни шакллантириш борасида тизимли чора-тад-бирлар амалга оширилди.

Аммо аччиқ бўлса-да, тан олиш кераки, бу борада ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳам қўп. Таҳлилларга қўра, 2017 — 2019 йил-ларда 10065 та совуқ қурол сифатида фойда-лангани мумкин бўлган предметлар аниқланган. Энг ёмони, уларнинг ҳаммаси айнан жамоат жойлари — қўчалар, бозорлар ва таълим муас-сасаларига тўғри келади. Бунинг оқибатида эса биргина 2020 йилнинг 8 ойида айнан ўткир тиг-ли предметлардан фойдаланган ҳолда 542 та жиноят содир этилган. Демак, хотиржам бўлиш-га ҳали эрта.



Ялпи мажлисда қўрилган “Жамоат хавфсиз-лигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари яна-да тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳў-жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИГА ОИД ҲУЖЖАТ ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

— Қонун лойиҳасининг асосий ғояси соҳа фаолиятини тартибга солишни яхшилаш ҳамда халқаро стандартларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришдан иборат, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Жаҳонгир Абдусуллов. — Лойиҳада қонун даражасида тўғридан-тўғри ҳаракат қоидаларини белгилаш ҳамда соҳадаги муносабатларни

бошқаришнинг ягона механизмини яратиш, жумладан, суғурта тармоқлари, синфлари ва турларини аниқлаш, унинг бозорини тартибга солиш, суғурта (қайта суғурта) ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда тугатиш хусусиятлари, суғурта брокерлари, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта бозорида фаолият шaroитлари, шунингдек, суғурта бозорини давлат томонидан тартибга

солишни назарда тутувчи нормалар акс эттирилмоқда. Албатта, қонун лойиҳаси айрим жузъий камчиликлардан холи эмас. Депутатларимиз томонидан биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг уни қўмитамиз ҳузуридаги ишчи гуруҳи такомилга етказди.

Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасида суғурта ташкилотларини фақатгина акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этиш, суғурта ташкилотлари ва суғурта брокерлари

фаолиятини лицензиялаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, суғурта ташкилотлари ҳамда суғурта брокерларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига малака талабларини ўрнатиш, суғурта ташкилотларининг лицензияларини тугатишда ваколатли давлат органи томонидан муваққат маъмуриятини тайинлаш юзасидан нормалар киритилган.

Яна бир муҳим жиҳат, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг (суғурта

ташкилотлари, суғурта брокерлари, аджастерлар, ассистанслар, актуарийлар, сюрвейерлар) ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгиланмоқда.

Қўмита аъзоларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи самарали тизим яратилди, тармоқни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ривожлантириш имкониятлари кенгайди.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Қонунчилик палатаси қўмиталарида, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан ишчи гуруҳларининг йиғилишлари ҳам бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонунига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда 1995 йилда қабул қилинган ва бугунги кунда долзарб қилиниши йўқотатган "Концессиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бекор қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёранмоқда.

Мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференция тарзида ўтган муҳокамаларда таъкидланганидек, айни пайтда давлат-хусусий ше-

риклик лойиҳаларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Қонун лойиҳаси билан ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида валютани тартибга солиш ҳамда товар (ишлар, хизматлар) нархларини хорижий валютага боғлаш, махсус лойиҳа ташкилотини тузиш, кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва иштирокини таъминлаш, тендер жараёнини соддалаштириш ҳамда муддатини қисқартириш тақлиф этилмоқда. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида Ҳукумат томонидан кафолатлар бериш ва қўллаб-қувватлаш тартиби, маҳаллий икдро этувчи ҳокимият органлари томонидан ер уасткаларини ажратишда уларнинг ролини белгиллаш каби масалалар қамраб олинмоқда.

Қолаверса, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жозибадорлигини ошириш ва уларга жалб қилинадиган хо-

рижий инвестициялар миқдорини кўпайтиришга эришиш мақсадида мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда ривожланган давлатлар амалиёти таҳлил қилинмоқда ҳамда хорижий инвестор ва экспертларнинг тақлиф ҳамда фикрлари ҳам олинмоқда. Хусусан, Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш агентлиги раҳбарияти ва Осиё тараққиёт банки мутахассисларининг ҳам тақлиф ҳамда мулоҳазалари асосида қонун лойиҳасига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

— Қонун лойиҳасида унинг мақсади, татбиқ этиш соҳалари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида давлат шеригининг иштироки аниқ қилиб кўрсатиб ўтилмоқда, — дейди Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Дониёр Ғаниев. — Шу билан бирга,

хусусий шерикнинг иштироки ҳамда танлаб олиш мезонлари, кредиторларнинг иштироки ва ўрни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари Ўзбекистон Республикаси валютасига, чет эл валюталарига ҳамда шартли бирликларига боғланиши, хусусий шерикка бериладиган қўшимча кафолатларнинг давлат қўмаги битими орқали расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Муҳокама жараёнида депутатлар тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мос келиши ҳамда халқ манфаатларини инобатга олиши борасида ўз тақлифларини билдиришди.

«Халқ сўзи».

ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда мустақкам таянчдир

Дарҳақиқат, Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари дадил одимлаётган мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ҳамда нуфузини кўтариш борасида кейинги йилларда самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мактебини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони маънавий-маърифий ҳаётимизда улкан тарихий воқеа бўлди. Унда она тилимизни асраб-авайлаш ҳамда янада ривожлантириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган бўлди. 2020 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами қуни этиб белгиланди.

Қуни кеча давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил

сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарор ушбу улугъ айёмга байрам тўхфаси бўлгани, шубҳасиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустақкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг кўнгилни тоғдек кўтариб, Ватанимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларда куч-ғайратини янада юксалтиришни таъкидлади.

Улугъ ўзбек адаби Абдулла Қодирининг "Ўткан кунлар" романини АҚШда инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттирган таниқли таржумон ва тадқиқотчи, "Дўстлик" ордени соҳиби Марк Ризнинг, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг нуфуз-

ли университетлари ҳамда илмий марказларида ўзбек тилини ўрганаётган, тадқиқ этаётган олим ва талабаларнинг байрам муносабати билан йўллаган видеотабриклари экран орқали ҳавола қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Саййид она тилимизни мадҳ этувчи шеърини ўқиди. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхожиддин Ҳожиमतов ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда кенг тарғиб этишга муносиб хисса қўшиб келаётган бир гуруҳ тилшунос олим ва ижодкор зиёлиларга "Маънавият фидойиси" кўкрак нишонини топишди.

Тавқондо бўйича Осиё ва ҳаёжон чемпиони Дмитрий Шокин халқимизни байрам билан қутлар экан, ҳаёжон шохсуплар таржима қилиб, нашр эттирган давлатимиз мадҳияси ҳар биримизга юксак гурур, янги-янги зафарларга ишонч бахш этишини таъкидлади.



Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бехзод Мусаев иштирок этди.

Ўзбек тили байрами қуни тадбирлари бутун мамлакатимизда, барча шаҳар ва қишлоқларда давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

МИЛЛАТ РУҲИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ БУЮК КУЧ

Миллатимизнинг энг қадри бўйлиги, ўзлигимиз асоси, маданий ва маънавий қиёфамизни акс эттирувчи муҳим восита, бу, шубҳасиз, она тилимиздир. Шу боис, Президентимизнинг Ўзбек тили байрами қуни муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табриги, шунингдек, "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини юртдошларимиз кўтаринки руҳда қутиб олди.

Буни қуйидаги фикр-мулоҳазалардан англаш мумкин.

Муносабат

Низомиддин МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор:

— Юртбошимизнинг байрам табриги кўнгилмизга чексиз гурур ва сурур бахш этди. Она тилимизни янада ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштиришга оид Фармоннинг қабул қилиниши эса Ўзбек тили байрами қунига муносиб тўёна, совға бўлди. Фармонда Ўзбекистонда давлат тилининг ўрни ва мактебини янада юксалтириш борасида қарийб ўн йилга мўлжалланган муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу ҳужжат асосида 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Унинг асосий вазифалари мамлакатимиз иқтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ҳамда тўғри фойдаланишга эришиш, таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада

такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш ҳамда халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан иборат.

Айни пайтда концепцияда мамлакатимиздаги бошқа тилларни ривожлантиришга ҳам кенг ва тенг шароитлар яратиш назарда тутилган. Ушбу тарихий ҳужжат ўзбек тилининг ҳақиқий маънода давлат тили сифатида бўй кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади.

Ёрқин ОДИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими:

— Президентимизнинг байрам табригида ҳозирги кунда мамлакатимизда яшайётган, Ўзбекистонимизни ягона ва ахил оила деб биладиган турли миллат ҳамда элатлар вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак

билдираётганлари, айниқса, эътиборли экани таъкидланган. Шу муносабат билан бу борада мотивация омиллари кўнайириш, махсус дарслик, лугат ҳамда қўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар, замонавий ўқитиш услубларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эгаллиги қайд этилган.

Қувонарлики, давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида таълимнинг турли бўғинлари — боғча, мактаб, олий таълимда ўзбек тилини ўқитишга ажратилган дарс соатларини ошириш кўзда тутилган. Жумладан, 2030 йилгача давлат тилида иш юритиш, ўзбек тилининг соҳаларда қўлланилиши бўйича дарс соатлари ҳам босқичма-босқич ошириб борилади. Эндиклиги то 2030 йилгача нофилологик ўқув юрталари ҳам ўзбек тили билан боғлиқ кафедралар ташкил қилинади, ушбу кафедраларга малакали кадрлар жалб этилади. Хусусан, олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар 120 тага, 2030 йилгача эса 140 тага етказиш назарда тутилмоқда.

Маҳфуза ЭРҒАШЕВА, Бухоро шаҳридаги 35-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

— Давлатимиз раҳбарининг байрам табриги ҳамда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришга оид Фармонини катта

хушнудлик билан қутиб олдик. Уларда миллий гуруримиз манбаи бўлган она тилимизни ривожлантириш, софлигини сақлаш, уни янада бойитиб бориш ҳамда аҳолининг нукт маданиятини ошириш бўйича илғор ғоялар илгари сурилди, муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Фармонда тегишли ташкилотларга ўзбек тилидаги мавжуд лугатлар асосида улдуксиз таълимнинг барча турлари учун кўп қилди "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"нинг тўлдирилган янги наشري (кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида), "Ўзбек тилининг имло лугати", "Ўзбек тили синонимлари лугати", "Ўзбек тили синонимларининг қатъи изоҳли лугати", "Ўзбек тили фразеологизмларининг қатъи изоҳли лугати", "Ўзбек тили омонимлари лугати"ни яратиш топириги берилди. Ушбу лугатлар ёшларга ўзбек тилининг жозибаси ҳамда латофатини сингдириш, она тили ва адабиёт дарсларини самарали ўқитишмизда жуда қўл келади. Зеро, ўзбек тилининг кенг имкониятларини акс эттирувчи мумтоз адабиётимизда яратилган туюқлар, халқ оғзаки ижоди дурдоналари — мақоллар, топишмоқ ҳамда тез айтишлар, асияларнинг асосида омоним, синоним, фразеологик сўз ва иборалар ётади.

Юртбошимиз табригида атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний бобоимизнинг "Тил — миллат руҳини юксалтирувчи буюк куч", деган сўзларини бежиз таъкидламади. Давлат тили ривожига берилган бугунги эътибор халқимизни янада жипслаштириб, янги-янги марраларга ундашига ишончимиз қомил.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШОНЧИ БАЛАНД

Бунинг боиси нимада?

Бугун барчамиз мустақил Ўзбекистоннинг янги қиёфаси шаклланаётган, том маънода мутлақо янги давлат қурилаётган замонда яшамоқдамиз. Халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлида қилинаётган тизимли ислохотлар самарасини ён-атрофда рўй бераётган ўзгаришлар мисолида кўриб турибмиз. Шу боис уларни яна тақрорлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Янгиланаётган Ўзбекистон бугун ўз олдида шунчаки ривожланишни эмас, балки турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижада энг кучли давлатлар қаторидан ўрин олишни асосий мақсад қилиб қўйган.



Долзарб мавзу

Бунинг исботини халқаро молиявий ташкилотлар тарқатаётган ҳисоботлардан ҳам билиш мумкин. Уларга кўра, коронавирус пандемиясига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиш билан чиқадиган мамлакатлар сифидан ўрин олади. Осиё тараққиёт банкининг бир муддат олдин берган ҳисоботида кўра, бутун Осиё минтақасининг сўнгги 60 йилда ривожланиб келган иқтисодиётини COVID-19 пандемияси рецессияга етказган. ОТБ ҳисоб-китобча, бу йил Осиё иқтисодиёти 0,7 фоизга қисқаради. Аммо 2021 йили ўсиш кузатилиши, ушбу рақам айрим мамлакатларда 6,8 фоизгача бўлиши мумкин.

ОТБнинг "Asian Development Outlook Update" янгиланган ҳисоботида кўра, Осиё минтақаси мамлакатларининг тўртдан уч қисми бу йил таназзулга юз тутди. Осиё тараққиёт банки йил бошида 2020 йилдаги ўзгаришларга бағишланган ҳисобот эълон қилган, бироқ коронавирус вазияти боис ўз баъоратларини яна қайта кўриб чиққан. Англи ҳисоботда 2020 йилги минтақа ялпи ички маҳсулоти ўсиши атиги 0,1 фоизни ташкил этади деган башорат берилмоқда.

ОТБ башорати Халқаро валюта жамғармасининг йил бошида эълон қилган ҳисоботида келтирилган кўрсаткичларга мос келади. Айни пайтда ОТБ 2021 йилдаги иқтисодий ўсиш натижалари коронавирус пандемияси яна қанча давом этиши ва ҳасталик тарқалишининг олдини олиш мақсадида қўриладиган чораларга боғлиқ бўлишини ҳам эс-латади. Мазкур ташкилот йил оғир келганига қарамай, Ўзбекистон 0,5 фоизлик иқтисодий ўсишга эришишини тахмин қилган. Бундан олдин банк Ўзбекистонга 4,7 фоизлик ўсишни башорат қилган эди. "Ҳукумат (Ўзбекистон ҳукумати) ўсиш 2019 йил биринчи ярмидаги 6,8 фоиздан 2020 йилнинг ана шу даврида 0,2 фоизга тушгани ҳақида хабар берди", дейилади Осиё тараққиёт банки ҳисоботида. COVID-19 ва талабнинг пасайиши йил бошидаги 4,8 фоизлик саноат ўсишини 1,9 фоизлик қисқаришга туширди, табиий газ ҳамда мис ишлаб чиқариш секинлашиши қазиб олиш ва қончилиқнинг 20,1 фоиз пасайиб кетишига олиб келди". "Шунга қарамадан, саноат ишлаб чиқариши 2,2 фоиз ўсди. Пандемия боис жорий этилган лоқдаун ўтган йилги 12,7 фоизлик хизматлар ўсишини 0,7 фоизлик қисқаришга етказди", дейилади ҳисоботда. Пандемия инвестицияларини 12,8 фоизга туширган, ўтган йили сармоялар ўсиши 58,9 фоизни ташкил этгани айтилади. "Иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорликка ёрдам бўлиши учун ҳукумат ялли ички маҳсулотнинг 1,5 фоизига тенг Аксиклиққироз жамғармасини ташкил этди. Босқичма-босқич енгиллаштиришдан кейин ҳукумат бизнеслар ўзини оёққа турғазини учун август ойида лоқдаунни олиб ташлади", дейилади ОТБ ҳисоботида.

Шубҳасиз, пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларига қатор имтиёзлар берилиши отуқлар гарови бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишда муҳим омилдир. Шу боис сўнгги йилларда ушбу соҳа вакиллари ва қор томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз томонидан қўллаб Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Негаки, тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ҳамда оила-сини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни туш-намиз. Шу жиҳатдан, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасининг ҳуқуқий пойдевори мустақкамланмоқда.

Жаҳон банкнинг ҳисоботида келтирилган 24 та Европа ва Марказий Осиё давлатларидан фақат Ўзбекистонда 2020 йил натижалари бўйича ЯИМнинг ўсиши, қолган давлатларда пасайиш прогност қилинди. Шунингдек, мазкур ҳисоботда келтирилган давлатлардан фақат иқтисодида 2021 йилда кескин иқтисодий ўсиш кўрсаткичи таъкидлан-ди, мамлакатимизда ЯИМ келгуси йилда 6,6 фоизга ўсиши башорат қилинмоқда. Ушбу ижобий ҳолатнинг бош мезони сифатида

мамлакатимизда пандемия шароитида ҳам ишбилармонлик муҳитини ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни кўриш мумкин. Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилиниши ҳамда қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилди. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмаслиги, халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарзордорликка жарима қўлласлик, "яшил йўлак"лардан маҳсулот ўтказишни қўпайтириш, юк ташиш-да юзага келаётган масалаларни оператив ҳал этиш белгилаб қўйилди. Бизнес вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда, уларга яна қўшимча енгилликлар берилди.

Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилди. Бундан ташқари, қарантин даврида тадбиркорнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланди, аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби бекор қилинди. Янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Пандемия натижасида келиб чиққан иқтисодий инқироз шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш мақсадида қарантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган қўллаб яқка тартибдаги тадбиркорларга даромад солиғи ҳамда ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди. Тўшуми ўтган ойдагига нисбатан 50 фоиз камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати кечиктирилди, юридик шахсларнинг табиий газ ҳамда электр энергияси учун олдидан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилди.

Тадбиркор олган кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда унинг 12 фоизини давлат қоплаши, бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредитлари фоизини қоплашга Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилиши, интизомли ва ишончли тадбиркорларга кредитнинг 75 фоизига жамғарма қафиллик бериши белгиланди. Қийин аҳволдаги корхоналар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 12 триллион сўмлик кредит мажбуриятининг муддати узайтирилди. Шунингдек, қишлоқларда кўп иш жойларини ташкил этиб, энди оёққа тураётган пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилиб, уларнинг 2019 йилда пахта етмиштириш учун олган кредитларини қайтарish муддати узайтирилди.

Жаҳон банкнинг юқорида таъкидланган эътирофига сабабчи бўлган омиллардан яна бири — мамлакатимизда битта ҳам корхона фаолиятини тўхтатишга йўл қўйилмаслиги бўлди, десак, мунобага бўлмайди. Чунки бу корхоналар қанчадан-қанча иш ўринлари ва оилалар даромадини таъминлаб турди. Айниқса, ялли ички маҳсулотнинг асосий қисми ҳамда аҳоли бандлигини таъминлайдиган 2 мингдан ортиқ йирик корхоналар фаолияти умуман тўхтамаслигига эришилди. Бу чоралар ўзининг мевасини берди. Марказий банк Ўзбекистоннинг расмий заҳира активлари ҳажми 32,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этишини маълум қилди. Олтин-валюта заҳираси 2020 йил бошидан деярли 11 фоиз ўсган ва тахминан 20 ой давомида импортни молиялаштиришга етди.

Демак, ўз халқини, тадбиркорларини ўйла-ган юрт оғир ва масъулиятли даяларда ҳам қийинчиликларни енгиб ўтади. Ўзбекистонда ҳам шундай бўлди. Демократик ислохотлар ўтказиш йўлидан қайтмаслигини айтган қатъий сиёсий иродали раҳбари бошчилигида халқимиз глобал пандемиянинг оғир асратларига қарамай, олға қадам босмоқда.

Баҳодир ҲАСАНОВ,
ТДИУ профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси корхона меҳнат факрийси Суфиахон ХАЛИРАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари Шукр Шукурова онаси Мушар ШУКУРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
---	--

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқла